

Эгамбердиева Юлдуз Хамрокул кизи
Perfect university

Катта ўқитувчи, г.ф.ф.д., PhD.

Egamberdiyeva Yulduz

Perfect university

Senior teacher, PhD

ЎЗБЕКИСТОНДА ЧУЧУК СУВ ПОТЕНЦИАЛ РЕСУРСЛАРИНИНГ ГЕОГРАФИК ТАҚСИМОТИ

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда чучук сув потенциал ресурсларининг Ўзбекистон 14 та иқлим ресурслари бўйича тақсимоти кўриб чиқилган.

Калит сўзлар. Чучук сув, иқлимий район, потенциал ресурс, 1 км² майдон, илиқ давр, совуқ давр, йиллик.

POTENTIAL RESOURCES OF FRESH WATER IN UZBEKISTAN GEOGRAPHIC DISTRIBUTION

Annotation. The present article considered the distribution of freshwater potential resources in Uzbekistan on 14 climatic resources of Uzbekistan.

Keywords. Freshwater, climatic zone, potential resource, 1 km² area, warm period, cold period, annual.

Ҳисоблаб чиқилган сувнинг келтирилган қалинлиги ҳақидаги маълумотлар асосида Ўзбекистоннинг 14 та иқлимий районлари бўйича атмосферадаги чучук сувнинг потенциал ресурсини ойлар, йилнинг илиқ ва совуқ даврлари, ўртача йиллик қийматларини аниқлаш мумкин. Юқорида айтиб ўтилган иқлимий районлар бўйича атмосферадаги буғ ҳолатидаги сувдан ичимлик сувини ажратиш олиш учун мўлжалланган конденсицион қурилмаларни самарали жойлаштиришда бу маълумотлар асос бўлиб хизмат қила олади.

Устюрт иқлимий райони. Кўрилатган иқлимий районда атмосферадаги чучук сувнинг 1 км² майдонга мос келувчи миқдорлари минимал қиймати январь (8723 м³), февраль (8886 м³), декабрь (10190 м³), март (11005 м³) ва ноябрь (11820 м³) ойларида кузатилади. Максимал қийматлар июль (22741 м³), август (21926

м³), июнь (20296 м³) ойларида кузатилади. Йилнинг совуқ даври учун ўртача қиймат 10842 м³, илиқ даври учун эса 18992 м³, ўртача йиллик қиймат 14917 м³ ни ташкил этади.

Оролбўйи иқлимий райони. Ушбу иқлимий районда атмосфера таркибидаги сув буғининг келтирилган қалинлигининг минимал қийматлари январь (9212 м³), февраль (9701 м³), декабрь (10190 м³), март (11983 м³), ноябрь (11983 м³) ойларида кузатилади. Максимал қийматлари эса июль (30565 м³), август (28446 м³), июнь (26327 м³) ойларида кузатилади. Йилнинг совуқ даври учун ўртача қиймат 11494 м³, илиқ даври учун эса 23882 м³, ўртача йиллик қиймат 17688 м³ ни ташкил этади (3.2-расм).

Қуйи Амударё иқлимий райони. Мазкур иқлимий районда атмосфера таркибидаги сув буғининг келтирилган қалинлигининг минимал қийматлари январь (9864 м³), февраль (10679 м³), декабрь (11168 м³), ноябрь (12798 м³) ойларида кузатилади. Максимал қийматлар июль (28120 м³), август (26490 м³), июнь (23393 м³) ойларида кузатилади. Йилнинг совуқ даври учун ўртача қиймат 12472 м³, илиқ даври учун эса 22252 м³, ўртача йиллик қиймат 17362 м³ ни ташкил этади.

Шимолий Қизилқум иқлимий райони. Ушбу иқлимий районда атмосфера таркибидаги сув буғининг келтирилган қалинлигининг минимал қийматлари январь (11005 м³), февраль (11983 м³), декабрь (11657 м³), ноябрь (12635 м³), март (14428 м³) ойларида кузатилади. Максимал қийматлар эса июль (22252 м³), август (20948 м³), июнь (20785 м³) ойларида кузатилади. Йилнинг совуқ даври учун ўртача қиймат 13287 м³, илиқ даври учун эса 19319 м³, ўртача йиллик қиймат 16384 м³ ни ташкил этади.

Марказий Қизилқум иқлимий райони. Бу иқлимий районда атмосфера таркибидаги сув буғининг келтирилган қалинлигининг минимал қийматлари январь (10027 м³), декабрь (10679 м³), февраль (10842 м³), ноябрь (11820 м³), март (12798 м³) ойларида кузатилади. Максимал қийматлар эса июль (20622 м³), август (19318 м³), июнь (18992 м³) ойларида кузатилади. Йилнинг совуқ даври

(26490 м³), август (24860 м³), июнь (23882 м³) ойларида кузатилади. Йилнинг совуқ даври учун ўртача қиймат 14265 м³, илиқ даври учун эса 22089 м³, ўртача йиллик қиймат 18177 м³ ни ташкил этади.

Жанубий Юқори Амударё иқлимий райони. Кўрилаётган иқлимий районда атмосфера таркибидаги сув буғининг келтирилган қалинлигининг минимал қийматлари январь (13124 м³), декабрь (14102 м³), февраль (14428 м³), ноябрь (15406 м³) ойларида кузатилади. Максимал қийматлар эса июль (26490 м³), август (24534 м³), июнь (24371 м³) ойларида кузатилади. Йилнинг совуқ даври учун ўртача қиймат 16058 м³, илиқ даври учун эса 23067 м³, ўртача йиллик қиймат 19481 м³ ни ташкил этади.

Шимолий Юқори Амударё иқлимий райони. Бу иқлимий районда атмосфера таркибидаги сув буғининг келтирилган қалинлигининг минимал қийматлари январь (12961 м³), декабрь (13776 м³), февраль (14265 м³), ноябрь (14591 м³) ойларида кузатилади. Максимал қийматлар эса июль (25186 м³), май (23719 м³), август (23556 м³), июнь (22904 м³) ойларида кузатилади. Йилнинг совуқ даври учун ўртача қиймат 15678 м³, илиқ даври учун эса 21926 м³, ўртача йиллик қиймат 18829 м³ ни ташкил этади.

Жиззах иқлимий райони. Ушбу иқлимий районда атмосфера таркибидаги сув буғининг келтирилган қалинлигининг минимал қийматлари январь (11657 м³), декабрь (12472 м³), февраль (12961 м³), ноябрь (14102 м³), октябрь (15895 м³) ойларида кузатилади. Максимал қийматлари эса июль (24208 м³), июнь (22741 м³), август (22578 м³) ойларида кузатилади. Йилнинг совуқ даври учун ўртача қиймат 14591 м³, илиқ даври учун эса 21111 м³, ўртача йиллик қиймат 17851 м³ ни ташкил этади.

Тошкент иқлимий райони. Мазкур иқлимий районда атмосфера таркибидаги сув буғининг келтирилган қалинлигининг минимал қийматлари январь (11005 м³), февраль (11983 м³), декабрь (12146 м³), ноябрь (14102 м³) ойларида кузатилади. Максимал қийматлар июль (25838 м³), август (24697 м³), июнь (24534 м³) ойларида кузатилади. Йилнинг совуқ даври учун ўртача қиймат

13939 м³, илиқ даври учун эса 24415 м³, ўртача йиллик қиймат 18177 м³ ни ташкил этади.

Ғарбий Тяньшань иқлимий райони. Кўрилаётган иқлимий районда атмосфера таркибидаги сув буғининг келтирилган қалинлигининг минимал қийматлари январь (11168 м³), февраль (12472 м³), декабрь (12635 м³), ноябрь (14591 м³) ойларида кузатилади. Максимал қийматлари эса июль (29098 м³), август (27631 м³), июнь (26164 м³) ойларида кузатилади. Йилнинг совуқ даври учун ўртача қиймат 14591 м³, илиқ даври учун эса 24208 м³, ўртача йиллик қиймат 19481 м³ ни ташкил этади.

Фарғона иқлимий райони. Ушбу иқлимий районда атмосфера таркибидаги сув буғининг келтирилган қалинлигининг минимал қийматлари январь (10679 м³), декабрь (12146 м³), февраль (12309 м³), ноябрь (14591 м³), март (15569 м³) ойларида кузатилади. Максимал қийматлари эса июль (30565 м³), август (29261 м³), июнь (27631 м³) ойларида кузатилади. Йилнинг совуқ даври учун ўртача қиймат 14265 м³, илиқ даври учун эса 25675 м³, ўртача йиллик қиймат 19807 м³ ни ташкил этади.

Юқорида келтирилган Ўзбекистоннинг 14 та иқлимий райони бўйича атмосфера таркибидаги сув буғининг келтирилган қалинлиги ойлари, йилнинг илиқ ва совуқ даври, ҳамда йиллик ўртача қийматлари таҳлили шуни кўрсатадики, энг катта қиймат 30560 м³ июль ойида Оролбўйи ва Фарғона иқлимий районларида ва энг кичик қиймат 8723 м³ январь ойида Устюрт иқлимий районида, Йилнинг илиқ даври учун энг катта ўртача қиймат 25675 м³ Фарғона иқлимий районида, энг кичик ўртача қиймат 17688 м³ Марказий Қизилқум иқлим районида, йилнинг совуқ даврида энг катта ўртача қиймат 16058 м³ Жанубий Юқори Амударё иқлимий районида, энг кичик ўртача қиймат 10842 м³ Устюрт иқлимий районда, йиллик тақсимотда эса энг катта ўртача қиймат 19807 м³ Фарғона иқлимий районида, энг кичик ўртача қиймат 14917 м³ Устюрт ва Марказий Қизилқум иқлимий районларида кузатилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Петров Ю.В., Эгамбердиев Х.Т., Скрипникова Л.Е., Беглов Е.О. Географическое распределение климатических характеристик влажности в Узбекистане / Материалы международных научно-практ.конф. «География в современном мире: теория и практика». - Ташкент, 2006.

2. Снопков В.Г. О корреляции между содержанием водяного пара в атмосфере и характеристиками влажности воздуха у поверхности земли. -М.: Метеорология и гидрология № 12, 1977

3. Эргашева Ю. Влагосодержание воздуха при северном холодном вторжении / Материалы международной научно-практической конференции «Современные проблемы гидрометеорологии и мониторинга окружающей среды на пространстве СНГ», посвященной 90-летию Российского государственного гидрометеорологического университета. -Санкт- Петербург. 2020.